

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 139 (395), 2021 йил 9 июль, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ЎЗБЕКИСТОНДА МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтади.



Форумнинг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни икки минтақа халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустаҳкамлашдан иборат.

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, бошқа хорижий давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори даражадаги вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институт ва компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг раҳбарлари иштирок этиши режалаштирилган.

лаш доирасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриш имкониятларини муҳокама қиладилар.

Кун тартибидан савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика ва инновациялар, “яшил” технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, кооперация бўйича аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида шерикликни кенгайтириш, икки минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан батафсил фикр алмашиш ва биргаликда таклифлар ишлаб чиқиш ўрин олган.

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШЛАР

дилда шукроналик, тилда миннатдорлик бўлиб акс этади

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида босиб ўтган йўлимиз тўғрисида чуқур ўйга толаман. Ношукрлик бўлмасин, ўтган даврда мамлакатимиз тубдан ўзгарди. Миллий тикланишнинг дастлабки муҳим вазифалари амалга оширилди. Аммо тараққиётимиз, турмуш фаровонлиги кутилган даражада бўлмади.

Бундан 5-6 йил бурун турғунлик, жаҳон ҳамжамияти ва кўни-қўшилари билан шундай сиёсат юритила бошлаганди. Очигини айтганда, мамлакатда тизимли инқироз бошланган эди. Вазиятни фақат давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тубдан ўзгартириб, ҳар бир йўналишда, соҳада ислохотларнинг янги концепциясини яратиб ва қатъий билан амалга ошириб, ўнлаш мумкин эди.

Ўзбекистонда раҳбарият ўзгариши билан шундай сиёсат юритила бошланди. Бу сиёсат асосига “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси қўйилди.

Бу ғоя, бу ташаббус илгари сурилганига шахсан гувоҳ бўлганман.



2016 йили Шаҳрисабз шаҳрида Шавкат Мирзиёев сайловчилар билан учрашувда маънавий юксалиш асосларини халқимизга тақдим этди. Инсоннинг маънавий қомиллиги, ривожланишига хизмат қилувчи шу улугвор ғоя асосида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Унинг доирасида ҳар бир соҳани 2030 йил-

гача ривожлантириш концепцияси жорий этилди ва бу иш давом этмоқда. Ўтган йилларда Президентимиз юзлаб янги фармон ва қарорлар қабул қилди, фақат қоғозлардагина ишлаётган, реал ҳаётга мос бўлмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.

Давоми 3-бетда

### ЗОМИН СЕМИНАРИ ТААССУРОТИ

## ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИ УЙҒОҚ ҚАЛЬЛАР ЯРАТАДИ



Бундан ўн саккиз йил олдин республикаимиз ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарида иштирок этиб, илк бор улкан адабиёт бўстонида қадам қўйган ва бу мухташам издиҳомда не-не улуг шоиру адибларни кўрган, уларнинг дилкаш суҳбатларидан бебаронга баҳраманд бўлган эдим. Ўшанда дўстларим, тенгдошларим орасида ўзгача фахру ифтихор билан юрганим, кўксимда адабиётга, шеърятга ҳавас янада ортгани сир эмас.

Давоми 6-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКАДА МАВЖУД ЯЙЛОВЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИПАК ВА ЖУННИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Худудларнинг табиий-иклим шароитларига мос жун йўналишларидаги майда шохли молларни кўпайтириш, озуқа базасини ривожлантириш, тери ва жунни қайта ишлаш, улардан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, яйлов майдонларида табиий равишда ўсувчи қаврак плантациялари захираларидан барқарор фойдаланиш, шунингдек, пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки:
  - а) 2022 йил 1 январдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар: ҳар йили етиштириладиган пилла (ҳўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун 5 минг сўм миқдорда хонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилади; тўтзорларни сўғориш учун фойдаланилган сув ҳажмига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади; б) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар жун йўналишидаги кўйларни, шунингдек, қўлда жун йиғириш, ипак матолари, гилам ва кигиз тўқиш ускуналарини сотиб олишга ҳам йўналтирилади; в) Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Деҳқонобод туманлари, Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ҳамда Сурхондарё вилоятининг Қўмқўрғон ва Бойсун туманлари жун йўналишидаги майда шохли молларни етиштиришга ихтисослаштирилади; г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш

ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сон қарори 9-бандида назарда тутилган молиялаштириш тартиби, истисно тариқасида, қўлда жун йиғирувчи, гилам ва кигиз тўқувчи ҳамда кўй ва эчки териларидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хунармандларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4984-сон қарори билан Моғлия вазирлиги томонидан қорақўлчилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 200 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки: а) мазкур маблағларнинг 50 миллиард сўм қисми 1-босқич сифатида жун йўналишидаги майда шохли молларни етиштиришга ихтисослаштирилган туманлардаги тадбиркорлик субъектлари томонидан лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда кредит ажратилишига йўналтирилади.

Бунда, ихтисослаштирилган туманларда мазкур маблағлар ҳисобидан: республика иқлимга мос жун йўналишидаги майда шохли молларни импорт қилиш орқали уларнинг сони оширилади; яйловларда озуқабоп экинларни етиштириш ҳажми ва ем ишлаб чиқариш қувватлари оширилади, жун қирқини ва йиғиш шохобчалари ташкил этилади;

жунни қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади ҳамда аҳоли жунни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишида хунармандчиликка ўргатилади;

б) 2-босқичда — 2022 йил 1 апрелга қадар Тикланиш ва тараққиёт жамғарма-

си маблағлари ҳисобидан 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдордаги маблағлар 1-босқич маблағларининг ишлатилиши натижаларига қура тижорат банклари орқали белгиланган тартибда кредит ажратилишига йўналтирилади.

3. Қуйидагилар: Хунармандчилик асосида қўлда шой матолар, шу жумладан, аъло бахмал тўқиш ҳажминини ошириш ва тўқилган матоларни республикада кенг тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

2021-2025 йилларда пиллачилик кластерлари томонидан тўтзорларда ҳамда пахта ва ғалла майдонлари атрофида тўт қўчатларни екиш прогноз курсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, 2-иловага мувофиқ экиладиган тўт қўчатлари “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидagi пиллачилик кластерларининг маблағлари ҳисобидан экилади.

4. 2021-2025 йилларда: Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳар йили 30 миллион туп;

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳузуридаги Академик М.Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳар йили 10 миллион туп тўт қўчатлари етиштириб беришни таъминласин.

5. Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси ва уюшма аъзоларининг:

Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитасини Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) деб қайта номлаш;

Давоми 2-бетда

### ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ЭТИШ ВА ҲИСОБДОРЛИК ТИЗИМИ

### Жамоатчилик назорати ва халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари роли

#### Ижро интизоми — самарадорлик омили

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган, аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида жамлаган фармон ва қарорлар, тасдиқланган дастур ва чора-тадбирлар натижасида бутун республикада бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодий тиричилигини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, спорт, маданият ва, умуман, барча соҳаларни янада такомиллаштиришда муҳим асос бўлмоқда.

Негаки, ҳар бир қонунчилик ҳужжати халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг фикрларини тинглаш, кўп йиллардан буюн фуқароларимизни қийнаб келаётган муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш орқали қабул қилинмоқда.

Тартиб-интизом ҳар жойда зарур. Эзгу мақсадга ҳам, юксак самарадорликка ҳам фақат тартиб-интизом тўғрисида эриша оламиз. Ўз навбатида, ҳар бир давлат органининг вазифа ва функцияларини амалга оширишда ижро интизоми муҳим ўрин тутаяди.

Шу сабабли Президентимиз раҳбарлигида “Ижро интизоми — ислохотлар гарови” тамойили асосида

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизими яратилди.

Қабул қилинган ҳужжатлар ва топшириқларда тизимли механизмлар, муддатлар, масъуллар ва молиявий манбаларнинг аниқ белгиланиши ҳамда тизимга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, замонавий бошқарув услубларини таъбиқ этиш, ижронинг назорат қилиш шакллари тақомиллаштириш ҳисобига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иш самарадорлиги ошишига эришилмоқда.

Республикаимизда худудий даражада ҳужжатлар ижросини ташкил этиш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, бу борада Халқ депутатлари кенгашлари ролини ошириш бўйича ҳам етарлича асос шаклланди. Хусусан: барча даражадаги ҳокимларнинг Халқ депутатлари кенгашлари ҳамда Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларида ҳисобот бериши тизими яратилди, шунингдек, ҳоким ва ўринбосарларнинг халқ билан очиқ мулоқот қилиш, шу жумладан, аҳолининг кенг қатламлари учун сайёр қабуллар ўтказиш амалиёти жорий этилди;

жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиш, республика даражасида халқ қилинадиган масалаларни Олий Мажлис Сенати муҳокамага киритиб боришни самарали йўлга қўйиш ва маҳаллий кенгашларнинг иш сифатини

ошириш мақсадида кенгашларнинг доимий асосда ишлайдиган қотибиятлари ташкил этилди;

мамлакат даражасида қарорлар қабул қилишда ҳокимликларнинг иштирокни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қарор лойиҳаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳам келишиш тартиби жорий қилинди;

маҳаллий кенгашларнинг қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган қарорларини Олий Мажлис Сенати томонидан бекор қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этсак, амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳар бир туман ва овулга, ҳатто олис ва чекка худудларга ҳам етиб боришни таъминлашга эришамиз.

Қабул қилинаётган ҳужжатлар қанчалик мукамал бўлмасин, агар биз уларнинг ижросини жойларда етарлича таъминламасақ, шунча меҳнат ва саъй-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверлади.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, тарғибот ўтказиш, шаҳар, туманлар, қолаверса, маҳаллаларда ижросини самарали ташкил этишда ҳокимлар, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилигида ташкил этилган секторлар фаолияти ҳам ўз самарасини бермоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА МАВЖУД ЯЙЛОВЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИПАК ВА ЖУННИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиш 1-бетда

Республика "Қорақўлчилик" уюшмасини "Яйлов хўжалигини ривожлантириш" уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) деб қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Белгилансинки, Қўмитанинг доимий эгаллидаги яйловлар ҳудудига жисмоний ва юридик шахслар томонидан доривор ўсимликларни, шу жумладан, каврак ўсимлигини йиғиш, экиш ва етиштириш Қўмита билан тузилган ижара шартномалари асосида ва унда белгиланган ҳудудларда амалга оширилади.

7. Қўйидагиларга қўшимча вазифалар юклансин:

а) Қўмитага: жунни қайта ишлаш саноатида рақобатни ривожлантириш, жун етиштириш ва уни қайта ишлаш йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш;

жунни қайта ишлашга хунармандларни кенг жалб қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ва уларнинг даромадини оширишга қўмаклашиш;

хорижий инвестициялар, жумладан, халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш йўли билан соҳани ривожлантириш;

б) Уюшмага: жун йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш, жун ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва уни чуқур қайта ишлаш;

Қўмитанинг доимий эгаллидаги яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга қўйиш ва каврак плантацияларини ташкил этишга қўмаклашиш, шунингдек, табиий ҳолда ўсувчи каврак ўсимликларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган озуқабоп ўсимликлар етиштиришни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика ҳудудларида кавракни саноат усулида етиштириш ҳажминини кўпайтириш

чораларини кўриш, маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспорт ҳажминини ошириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

қорақўлчилик хўжалиқлари улар томонидан етиштирилиб, экспортга сотилган ҳар бир дона қорақўл ва қорақўлча терилари учун; етиштирилмаган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун Давлат бюджетини ҳисобидан ажратиладиган субсидия Қўмита томонидан берилсин.

Молия вазирлиги 2022 йилдан бошлаб бюджет параметрларини шакллантиришда тегишли маблағларнинг Қўмитага ажратиб берилишини таъминласин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2022 йил 1 январга қадар Қўмита таклифига асосан қўй ва унинг гўшти ҳамда гўшт ва ипак маҳсулотларини экспорт қилишда импорт божларини бекор қилиш масаласини шундай импорт божлари мавжуд бўлган хорижий давлатлар билан ўтказиладиган ҳукуматларо комиссия мажлисларининг кун тартибига киритсин.

10. Қўмита:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида, 2025 йилга қадар республиканинг бошқа ҳудудларида қўл меҳнати учун усқуналар харид қилишга субсидия ажратиш тизимидан кенг фойдаланган ҳолда, аъло баҳмал ишлаб чиқариш ҳажминини 1 миллион метрга етказиш чораларини кўрсин. Бунда, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик асосида Фарғона вилоятининг туманларида Ипакчилик-хунармандчилик марказларини ташкил этиш тажрибаси Наманган ва Андижон вилоятларида ҳам татбиқ этилиши таъминлансин;

Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Транс-

порт вазирлиги билан биргаликда халқаро тадбирларда иштирок этувчи ҳамда таълим муассасаларида, авиа ва темир йўллар тизимида хизмат кўрсатувчи аёллар кийимида, шунингдек, республиканинг диққатга сазовор жойларида миллий ипак матоларидан фойдаланиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қўмитанинг асосланган ҳисоб-китоблари мувофиқ, ҳар йили 1 октябрга қадар кейинги йил учун қўл меҳнати учун усқуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплашга берилмаган субсидиялар миқдорини шакллантирсин ва белгиланган тартибда ажратиб берилишини таъминласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари: туманларда замонавий пиллани қайта ишлашга ихтисослашган корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли бўлган озуқа базасининг яратилишини;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда ишсиз аҳоли рўйхатининг шакллантирилишини, улар пиллачилик кластерларига бириктирилишини ҳамда пилла етиштириш, даромад топиш бўйича тарғибот ишларининг олиб борилишини таъминласин.

13. Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ ипак курти уруғчилиги, тутчилик ва чўл-яйлов озуқабоп экинлар селекцияси, етиштириш агротехникаси соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган тадқиқот лойиҳаларининг танлов асосида шакллантирилишини ва зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 8 июль



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти самарадорлигини, шунингдек, Қабулхоналар орқали юборилган мурожаатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш бўйича вазирликлар, идоралар, таъбират банклари ва ҳокимликлар раҳбарларининг иш натижаларини ошириш масалалари атрофидаги таклифи маъқуллансин.

Мажлис давомида Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Микрокредитбанк" АТБ, Андижон ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлашни самарали ташкил этиш ва мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда юқорида кўрсатиб ўтилган идораларда мурожаатлар билан ишлашда йўл қўйиладиган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва тезкорлиги масалалари танқидий таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига тушган 40 636 та мурожаатнинг 39 778 таси кўриб чиқилиб, уларнинг 22 514 таси ёки 56,6 фоизи ижобий ҳал этилди.

Хусусан, мурожаатларнинг 15 004 тасини (36,9 фоизи) — кредит, 5 700 тасини (14,1 фоизи) — ер майдони ажратилиш, 1 630 тасини (4,0 фоизи) — рухсатнома ва лицензиялар олиш, 1 475 тасини (3,6 фоизи) — солиқ солиш, 1 278 тасини (3,2 фоизи) — газ, электр энергияси, сув билан узлуксиз таъминлаш, 989 тасини (2,4 фоизи) — биналар ажратилиш ва ижара тўлови масалалари, 14 560 тасини (35,8 фоизи) бошқа масалалар ташкил этди.

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқишда жиддий камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Мажлис якунида бундан ташқари ҳар бир мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилиши, уларда кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлашда раҳбарлар масъулиятини ошириш борасидаги тизимли ишлар ва назоратни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ЭТИШ ВА ҲИСОБДОРЛИК ТИЗИМИ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИ РОЛИ



Қаҳрамон САРИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси

Бошланиш 1-бетда

Ижро этувчи орган сифатида топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши муҳимлигини тўлиқ ҳис этган ҳолда, ҳар бир ходимнинг шахсий масъулияти, касбий маҳорати, талабчанлиги ва ташаббускорлигини ошириш, уларда Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик ҳиссини уйғотиш, қатъий темир интизом ўрнатилиш борасида мунтазам иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши давлат идоралари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди.

Эндиликда ҳудудий адлия органлари томонидан ҳужжатлар ижросининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, жумладан, амалий натижаларини кўздан кечириш мақсадида жойларга чиққан ҳолда деярли равишда ўрганиб борилади.

Ушбу тизим орқали якуний кўзланган мақсадга, яъни натижадорликка эришилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳужжатлар қанчалик тез ижро этилади, уларнинг ижроси ҳам ўз вақтида ташкил этилади, энг муҳими, қимматли вақт ресурслари ҳужжат айланишига эмас, балки топшириқни сифатли бажаришга сарфланади.

Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган "jgo.gov.uz ижро интизоми идораларро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз технологик занжири ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Президентимизнинг юқоридаги фармон ва қарори талабларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вазирлик ва идораларнинг қўйи тузилмаларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, топшириқлар ижросини муҳокама этиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича қўйдаги устувор йўналишлар белгилаб олинди ва амалга ошириб келинмоқда:

Биринчидан, ҳар бир топшириқнинг қўйи бўйича, охириги ижрозигача қисқа муддатда етиб боришини таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунишни ўз ичига камраб олган, аниқ механизм, муддат ва масъуллар кўрсатилган "йўл хариталари"ни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва назоратини юритиш; Иккинчидан, барча даражадаги раҳбарларнинг қонун, фармон, қарорлар ва топшириқлар ижроси юзасидан ҳисоботларини Халқ депутатлари кенгашлари сессияларида, жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларда ўтказиладиган учрашувларда эшитиб бориш амалиётини жорий этиш;

Учинчидан, ҳар бир раҳбарнинг шахсий иш режасини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида жойлардаги ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; Тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ва ходимлари фаолиятига баҳо беришда ижро интизоми ҳолатини асосий мезонлардан бири этиб белгилаш; Бешинчидан, қонунчилик ҳужжатлари

моҳиятини ҳамда ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишларни ҳудудий ва марказий оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик тушунтириб бориш;

Олтинчидан, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда жойлардаги ҳақиқий ҳолатни танқидий таҳлил қилиш, аҳоли ва жамоатчилик фикрини ўрганишга ҳамда фойдаланилмаётган имконият ва захираларга алоҳида эътибор қаратиш. Жорий йил апрель ойида ҳукуматнинг Нўқус шаҳрининг шароити оғир маҳаллаларида ижтимоий-иқтисодий, маиший ва инфратузилма ҳолати билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қабул қилинган қарорининг айнан жойида "пиёда" юриб тайёрлангани юқоридаги устувор йўналишнинг амалдаги исботидир.

Жамоатчилик назорати ва Халқ депутатлари кенгашлари ролини ошириш

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "ҳар бир топшириқнинг ижро этилганини қозғога қараб эмас, эришилган пировад натижага қараб баҳолаш, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш" кундалик фаолиятимизда ўз аксини топиши шарт ва зарур.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга ошириладиган очиқлик ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда кучайди.

Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракати нисбатан билдириладиган муносабат туфайли қўллаб-қамчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйиладиганга барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилади. Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортishi ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканини чуқур

ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидан биридир.

Давлат ҳокимияти ва жамоатчилик назоратининг бирлиги халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг халқдан бегоналашувининг олдини олиб, уларнинг уйғунлигини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда аҳолига етказиб туриши, халқ олдида ҳисобот бериб бориши бугунги замон талабидир.

Бундан ташқари, кейинги йилларда Халқ депутатлари кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги сазой-ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, туман (шаҳар)лар кенгашлари депутатлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан масъул мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қонунчилик ҳужжатларининг жойлардаги ижросини таҳлил этиш мақсадида 58 та мақсадли ва комплекс ўрганиш ўтказилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесиде муҳокама қилинди ва муҳокама якунлари бўйича 33 нафар раҳбар ва масъул ходимга нисбатан тегишли интизомий чоралар белгиланди.

Жўқорги Кенгес ва халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ва сектор раҳбарларининг ҳисоботлари 349 марта эшитилди.

Мазкур раҳбарларнинг узоқ ва опис ҳудудлардаги овул ва маҳаллаларда 160 та сайёр учрашуви ўтказилиб, қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар, дастурлар ва топшириқлар ижроси юзасидан оммавий ахборот воситалари учун шахсан ўзим ва бошқа ҳудудий раҳбарлар томонидан 32 та

очиқ мулоқот ва брифинг ташкил этилди.

Бундан ташқари, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали дафтарлардан чиқариш масаласи ҳар ойда Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларида кўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан давлат бошқаруви тизимига киритилган "маҳаллабай", "хонадонбай" ишлаш тамойили орқали хонадонма-хонадон юриб ўрганишлар ўз натижасини бермоқда. Аниқланган ҳар бир масала ва муаммо Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлик гуруҳларида ўрганилиб, сессияларда муҳокама этиляпти, шу асосда қарорлар қабул қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси вазирлик ва бошқармалари, шаҳар ва туманларда, шунингдек, Вазирлар Кенгаши марказий аппаратда қонунчилик ҳужжатлари ижроси ташкил этилишини таҳлил қилганимизда бир қатор тизимли камчиликларга йўл қўйилганига гувоҳ бўлдик. Хусусан:

Биринчидан, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида қонунчилик ҳужжатларининг ҳудуддаги ижросини мақсадли ўрганиш талаб даражасида ташкил этилмаган.

Қабул қилинаётган қарорлар ижроси юзасидан ҳокимларнинг қарорлари кечикиб қабул қилиниши ҳолатлари мавжуд. Мисол учун, Тахياتош туманида 8 кунгача, Чимбой туманида 5 кунгача кечиктириб қабул қилинган;

Иккинчидан, вазирлик ва идораларда қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан тасдиқланган "йўл хариталари", чора-тадбирлар режасида ижро этиш механизми, муддатлари ва молиялаштириш манбаси аниқ белгиланмаган. Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси, Сув хўжалиги вазирлигида ҳужжатларни шаҳар ва туман бўлимларида етказиш ва унинг ижросини назорат қилиш тизими ташкил этилмаган; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан вазирлик ва идораларнинг қўйи тузилмалари билан биргаликда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда ҳар бир мурожаатнинг замирида инсон тақдирини ётишини ҳис этган ҳолда мазкур йўналишда мустаҳкам ижро интизомини жорий қилиш борасидаги ишлар давлат эътирилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz\_uz\_news

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШЛАР

## Дилда шукроналик, тилда миннатдорлик бўлиб акс этади



**Январ ИНОЯТОВ, Қашқадарё вилоят ҳоқими маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими**

миз. Инсон қадрланса қалб ёшарар, бошингдаги дўппи ҳам қийшаймас экан...

Саъдулло бобонинг гапида жон бор. Пластик карточкадаги ўз пулимизни нақд пул қилиш учун сарсон юрганларимиз ҳали ёдимизда. Айрим "уддабуронлар" 40 фоизгача ушлаб қолиб пулимизни нақдлаштириб бергани ҳам бор гап. Шунга ҳам рози бўлди-да. Чорасиз эдик.

Қишлоқ муаллимларини айтинг. Пластик карточкадаги 1 миллион сўм пулни нақд қилиш учун омади чопса 200 минги, йўқса 300-400 мингдан воз кечишга ҳам тайёр эди. Чунки бозордан ун, ёғ, картошка, пивё дегандай озиқ-овқат сотиб олиши керак, уйда жўжабирдай жон, фарзандлари ейман-ичаман, деб турганда пул кўзга кўринармиди. Бозорда эса, пластик карточкага савдо қилинмасди. Борлари ҳам барибир фоиз ушлаб қоларди.

Яқинда қадрдон укамиз бундан тўрт йил олдинги воқеани эслаб, гурунг бериб қолди: "Келингиз ўқитувчи. Пластикга тушган пулини нақд қилиш учун бормаган банким, учрамаган танишим қолмади. Фоиз фалон эди. Хар ой шу ҳол такор. Бир кун, алам билан хотинимнинг пластикни олдим-да ўртасидан икки бўлиб, жавоннинг бир четига улоқтириб юбордим. Қачон шу тизим ўзгарса кейин ишлатамиз, дедим. Анча-мунча йилгилан экан, банкоматлар ишлай бошлаганида бемалол нақд қилдириб олдик. Биргина нақд пул билан боғлиқ сиёсатнинг ислоҳ қилингани ҳам хонадонларимизга ризқ-бароқа бўлиб кирди. Буни тан олмаслик, ношукрлик бўлар".

Бу ҳам майли. Хорижда Ўзбекистонга инсон ҳуқуқларига риоя қилинмайдиган демократик давлат, деб қараш, уни баъзи масалаларда "қора рўйхат"га киритиш йилдан-йил кучайди. Қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, банклар юртимиздаги ваколатхоналарини ёпа бошлади. Инвестициялар киритиш ўсмади.

Тахлилчиларнинг фикрига кўра, ўша даврда Ўзбекистонга инвестиция киритаётган хориқликларнинг маблағидан четда ишлаб юрган муҳожирлар юбораётган валюта миқдори кўпроқ экан. Шу фактнинг ўзидек меҳнат мигрантлари қай йўсунда авж олгани, хориқлик инвесторларнинг Ўзбекистонга ўз сармоясини тикишга ҳайиққанини яққол кўрсатиб турибди.

Бугун Ўзбекистонда иқтисодий юксалиш экинни кезмоқда. Тадбиркорларга эркинлик берилди, қулай ва жозибдор инвестиция муҳити яратилди. Импорт ўрнини тўлдирувчи янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қиришилди. Экспорт бозори кенгайди. Пировадиди, минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлди, хориқлик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ва бизнес орийати учун ишончи ортди.

Бу каби яна кўплаб яхши натижаларга эришишда мамлакатда валюта бозори эркинлашгани муҳим омил бўлди, албатта.

Бундан тўрт йилча олдин Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатда валюта бозорини эркинлаштириш сиёсатини илгари сурганида Ўзбекистондаги турғун ҳаётга кўникиб қолган халқаро ҳамжамият ҳам, экспертлар ва иқтисодий тахлилчилар ҳам ишончирмай қарашган эди.

Аммо қанчалик оғир бўлмасин, қанчалик мурракб шароит ва тўсқинликлар юзага келмасин, Ўзбекистон етакчисининг қатъий ва мустақкам сиёсий иродаси билан мақсадга эришилди. Бугун мамлакатимизда нафақат валюта бозори эркинлашди, балки ўзбек сўмида халқаро облигацияларни ҳам жойлаштиришга бошланди. Шу кунларга етказганига минг шукр!



**Мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилди.**

Тан олиш керак, мустақилликдан кейин ҳам оддий халқнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиш, болалар кучидан фойдаланиш, хотин-қизларни чойчақага ҳам арзимайдиган маош эвазига оғир меҳнатга тортиш юракларини зада қилиб ташлади. Биз қайси йўлдан кетаямиз, тилда "Мустақиллик, юрт тараққийти, гулалаб-яшнаётган жамият" ҳақида гапирилса-да, одамлар мажлисдан сўнг шивирлаб "буларнинг ҳаммаси эски қолпиди" сўзлар, кўриб турибсиз-ку, халқ қийналаяпти", дейишарди.

Хукумат ҳақида бир ёмон гап айтиб қўйиб балога қолишдан ҳайиқши даври эди у пайтлар. Ҳаммаси жойида, ҳаммаси маромда кўринса-да, аслида ички бир тушқун кайфият ҳукмрон эди. Мустақилликдан кейин ишисизлик туфайли ёшларимизнинг Россияга, Қозғистонга мардикорликка кетганини нима билан изохлаш мумкин? Қачандан-қачан хунарсиз ва қўлидан иш келмайдиган гўр ёшларнинг совуқ ўлкада қаровсиз, оч қолганига юрагимиз ачишганини унутиб бўладими?! Йўқ, албатта!

Бугун Ўзбекистон мажбурий меҳнатга барҳам берилган мамлакатлар сифида. Яқинда янги бир хушxabарни ўқиб қолдим. АҚШ Давлат департаментининг Жаҳонда одам савдоси тўғрисидаги йиллик маърузасида Ўзбекистоннинг позицияси яхшиланибди. Бу шу оқ бошидаги гап.



Эълон қилинган маърузада жаҳондаги 192 давлатда ушбу соҳадаги вазият чуқур таҳлил этилган, йўл қўйилган камчиликлар билан бир қаторда, эришилган натижалар ҳам инобатга олинган. Унда Ўзбекистон одам савдоси ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш йўлида салмоқли ҳаракатларни амалга ошираётган мамлакатлар қаторида қайд этилган.

2020 йилги ҳисоботда АҚШ Давлат департаменти раҳбари Ўзбекистонни алоҳида тилга олиб, "Ўзбекистоннинг ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган катта саъй-ҳаракатлари минтақадаги мамлакатлар учун янги стандартни белгилаб бермоқда", дея ушбу муаммони бартараф этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берган эди.

Бу эътироф замирида пахта теримида талабалар, ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш ходимлари тизимли жалб этилишига барҳам берилгани, пахта терувчиларга бериладиган пул миқдори оширилгани, ихтиёрий меҳнатни рағбатлантириш учун иш шартлари яхшиланиши, халқаро кузатувчиларнинг монеликсиз текшируви учун имконият яратиб берилгани, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича олий даражадаги Миллий комиссия таъсис этилгани каби омиллар ётганини тушуниш қийин эмас.



Болалар меҳнатига барҳам берилгани ҳам тарихий воқеалик эди. Биз-ку болагимиздан пахта даласида ўсдик, лекин мустақиллик йилларида ҳам шу манзаранинг такрор бўлаётгани кўнгилмизми эзиб келарди. Мактаб ўқувчилари, талабалар пахта даласида...

Энди бундай эмас. Давлат меҳнат инспекцияси томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича тежирбувлар сони ортди, мамлакатимизда одам савдосига оид жиноятларни аниқлаш ва қўнувий жавобгарликка тортиш борасидаги ишлар самара бера бошлади.

**ОТМларга қабул квоталари оширилиб, миллий ва хорижий университетлар филиаллари очилди.**

Хозир таълим ҳақида ўйлар эканмиз, яна мажбурий меҳнат мавзусини давом эттиришга тўғри келади. Пешонамизга минглаб балоларни ёғдирган пахта сёсати, пахта яққаҳимлиги миллият болаларини мўрт ва касалманд қилиб қўйгани устига саводсизликка маҳкум этгани ҳам ачинарли бўлди. Аммо бу вазият мустақилликдан кейин ҳам салбийлигича қолди. Ҳосилнинг яримдан ортининг териб оладиган машиналар металлоса топириб юборилди. Теримнинг асосий юки мактаб, коллеж ўқувчилари, талабалар зиммасига тушди. Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун миллат маърифатини, миллат онгу тафаккурини бой бериш алап-оқибат миллий инкирозга ўз тутишига олиб келиши ҳақида ўйлаб қўрилмади.

Бу фарзандларимизнинг ўқишдан қолиб кетиши ёки чаласавод бўлиб улғайишига, миллий ёнғур, миллий ўзликдан узоқлашишга йўл очди. Энг ёмони ҳам шу ўзи. Баъзи ёшлар шулар боис четга чиқиб, турли экстремистлар тўғрисида илдинди.

Қорни тўқ, усти бут, оиласи овод, фарзандлари ўқимишли бўлган халқгина ўз олдига улғувор мақсадлар қўяди. Эътибор беринг, бугун ҳар бир вилоятда ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Президент мактаблари фаолият кўрймоқда. Таълим тизимини замонавий методлар асосида, шахс тарбиясига эътибор қаратган ҳолда, айниқса, халқаро стандартлар талабларига мос фаолият олиб борилаётгани қанчалик самарали эканлиги намоян бўлмоқда.

Қайси кун бир ёш йигит ёнимга келиб, "Бобо мени табриқланг, мuddатидан олдин бирварака-йига 31 та хорижий олий таълим муассасаси талабаси бўлдим", дейди. Узундан узоқ дуо қилдим.

Ахир шулар-ку, давлатимиз раҳбари айтганидек, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари қадам қўйилар экан, бу қадамлар Учинчи Ренессанс пойдевори учун замин бўлаётганини халқимиз чин дилдан ҳис эътипти. Бу ҳис орти тақдирга дахлдорлик туйғусининг бир кўринишидир. Халқ дарди билан яшаш, ҳар бир ўзбекистонликни ўз оғаси, синглиси, қадрдони, фарзанди каби қўриш учун — Юртбоши каби жонқуар бўлмоқ керак. Бу жонқуарликни кўрганда, қалблар уйғонса, эрта учун нимадир қилиш ишқиди ёнса, айни мана шу сабоқнинг амалий аҳамияти юзага чиқади.

**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қила бошлади.**

Шавкат Мирзиёев раҳбарликка келган, ана шу қатъий талабни қўйди. Бу талаб коррупцияга қарши кураш билан қўшиб олиб борилди ва кўплаб раҳбарларни хушёр тортишга мажбур қилди.



Янги давр бошланганини, инсонга, унинг тўқ ва фаровон яшашига, камбағалликка, ишсизликка барҳам берилиши, давлат ички сиёсатининг мақсадини ташкил этишини одамлар англаб етга, улارнинг мамлакат келажигига ишончи юксала бошлади. Аҳолининг мувожаатлари билан ишлаш тизими — сиёсий маданият даражасига кўтарилди. Қабулхоналар, сайёр қабулларда йиллар давомиде ечим топмаган муаммоси ҳал бўлгани чоғда, кўзда ёш билан шукрона айтаётган одамларни кўрсанг, бир қалбга экилган яхшилик уруғи, бир неча қалбларга тотим бўлишини, дуога айлинишини ҳис қиласан.

Қамаш туманидан 82 километр олдидан жойлашган "Катта ўра" МФИда яшовчи "Аёллар дафтари"га киритилган Муноси Эшбоева январь ойида бўлган сайёр қабул чоғида тикувчилик цехи очилган истагиди эканини билдирди. Унга шаҳардаги ўқув марказида касб эгаллаши учун имкон яратилди. Тикув машинаси ҳада этилди. Чевар қиз қишлоқдаги 22 нафар иштиёқманда ўрганганларини ўрғатди. Айни кунда улар томонидан турли кийим-кечак, рўзгор буюмлари тикилмоқда. "Устоз-шогирд" аъёнаси доирасида аёллар бандлиги таъминлини қаторида оилаларга даромад қилиб бормоқда.

**Ўзбекистон минтақавий хавфсизлиқни таъминлашда ташаббускор, фаол тарғиботчи мамлакат сифатида танилди. Инсонпарварлик сиёсати билан намуна бўлди.**



Қайси кун Қарши шаҳридаги "Чақар" маҳалласидан Афғонистонга келин бўлиб тушган Нодима ота уйига меҳмон бўлиб келибди. Қавму қариндошлар жам, суҳбат қизган, аммо унинг кўзи ашиқда эмши, ҳар замонда чўчиб туриб, деразадан атрофни кузатиб, гоҳ ҳадик, гоҳ саросима ичида ўтириши билан мезбонларни хайратга солармиш. Эрта тонгда туриб, уни юм-юм йиғлаётган ҳолида кўришибди. "Биз фарзандларимиз билан видолашиб уйқўга ётамиз. Хозир портлаш юз бермасикин, деган кўрқув билан яшаймиш. Бу тинч, осойишта ҳаёт — бахт! Сизларга ҳавасим келаяпти", дебди у.

Ўзбекистон ўз Юртбоши раҳбарлигида тинчликпарвар мамлакат сифатида ҳам танилди. Шавкат Мирзиёевнинг дўстона, бағрикенглик сиёсати Марказий Осиёда ўзгача ажиб муҳит яратди. Минтақа ҳаётига доир энг муҳим масалалар расмий Тошкентда ҳал этилиши яхши аъёнанага айланди.

Президентимиз ташаббуси билан келаятган ҳафта, 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтиши кутилаётган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференция ҳам фикримиз тасдиғидир.

Давлат раҳбари тавқий лаянатларга учраган ва жанг кетаётган ҳудудларда сарсон саргардон бўлиб юрган миллат аёллари ва болалари ҳақи-



да чин юракдан қайғурди. Аслида хижратга кетиб қолганларнинг ҳаммаси ҳам сотқин эмас, улар орасида алданганларни, адашганларни ва кетишга мажбур бўлганлари ҳам кўп.

Сир эмас, "Меҳр" инсонпарварлик операцияси орқали аёллар ва болалар олиб келинганда, бошида қўпгина юртдошларимиз бу тадбирга ҳадиқираб қараганди. Аммо давлат раҳбарининг юрагидagi миллатпарварлик оташи халқ тақдирини, миллат келажиги учун ҳар қандай таъна-дашномларни қўйдириб қул қилишга қодирлигини вақтининг ўзи кўрсатди ва бу оташ шўъласи халқимиз юрагиде ҳам акс эта бошлади.

**Ислохотлар ҳар бир юртдошимиз ҳаётига кириб борди. Минглаб оилаларда янги, фаровон ҳаёт бошланди.**

"Темир дафтар", "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари" каби ижтимоий химоя қилишнинг аниқ тизими вуқудга келиши, мазкур дафтарга тушганларни иш ва барқарор даромад манбаи билан таъминлаб, зарур ҳолларда янги касбларга ўқитиб ёки тадбиркорликка жалб қилиб, дафтарлардан чиқариш юзасидан олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар, ажратилаётган маблағлар халқимизга манзур бўлмоқда. Асосийси, мазкур тизим юртимиз ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Бир неча мисол келтириб ўтсам.

Қашқадарё вилоятида дастлаб "Темир дафтар"га 69 минг 194 оила киритилган эди. Уларда салкам 300 минг киши, шундан 72 минг 183 нафар меҳнатга лаёқатли фуқаро қайд этилди. Бугун 65 минг 980 оила дафтардан чиқарилди. Уларнинг 71 минг 768 нафар ишга лаёқатли аъзоси иш билан таъминланди.

"Ёшлар дафтари"га киритилган 59 минг 593 йигит-қиздан 2021 йил 1 июнча 26 минг 523 нафари дафтардан чиқарилди. Ғалладан бўлган майдонлардан такорий экин учун ер ажратиш ҳисобига бу кўрсаткич янада сезиларли ошди.

"Аёллар дафтари" бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу кунгача дафтардаги аёлларнинг барчаси қандайдир кўмак олди. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ва жамғармаси доирасида эҳтиёжманд оилаларга 141 миллиард 162 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Келтирилган рақамлардан юртада ҳар бир инсон эътиборда экани ўз исботини топмоқда.

Мен шу халқнинг вақили сифатида қомил ишонч билан айта оламани, юртимизда олиб борилаётган стратегия, янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бу энг тўғри ва одил, самарали йўлдир.

Ҳар бир йил ичида амалга оширилган йирик иқтисодий-ижтимоий дастурлар, жумладан, вилоятимизда барпо этилаётган сунъий ёқилги ишлаб чиқарадиган GTL, енгил саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик соҳасидаги бунёдкорлик, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари аввалида давлат раҳбарининг ҳар бир хамюртимиз фаровон яшашини исботини англайсан киши. Моддий тўқсизлиқни таъминлаш, ҳар бир оиланинг тадбиркор бўлиши йўлида қилинган ҳаракатлар, амалга оширилган чора-тадбирлар бугун амалий натижа бермоқда.

Энг муҳими, халқимизнинг ҳар томонлама рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар дилда шукроналик уйғотмоқда, бу эса тилда миннатдорлик ва дуо бўлиб акс этамоқда.

Буюк бобоқалонимиз Абул Муин ан-Насафийнинг "Иймон қалбдан тасдиқ, тилда таъкид-дир", деган қано ўғитлари бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат мисолида яққол намоян бўлмоқда. Зеро, халқи йиғилиш-эътиқодли мамлакатнинг келажиги нурафшондир.



**МУНОСАБАТ**

# УЗУМИНИ ЕНГУ, БОҒИМИЗНИ ИЗЛАБ КЕЛАВЕРИНГ

**Манзура РУСТАМОВА,  
Пискент тумани ҳоқими  
маслаҳатчиси**

**Пискентнинг миришкор  
боғбону деҳқонлари, айниқса,  
Мингтепанинг боғу роғлари  
ҳақида эшитмаган инсон  
бўлмас керак. Туманимизда  
узумчиликни ўзига касб қилган  
боғбонлар авлодлари бугун ҳам  
боболари касбини давом эттириб  
келяпти.**

Ҳозирги кунда ҳам туманинг "Мингтепа", "Бекобод", "Янгиобод" ва "Бирлик" маҳаллаларида деярли ҳар бир хонадонда ток сўрилганда узум етиштирилади. Пискентликлар қайси соҳада ишламасин, қандай ҳаёт тарзида яшамасин, бўш жой топса, албатта, ток кўчати ўтказилади. Мингтепанинг эртапишар чиллаки, оқ чиллакларини, ширага тўлиб, қишга сақланган хусайни, кади хусайнилари, гоғат хуштаъм, майизбоп шувилғони (кишмиш) нафақат Ўзбекистон, ҳатто буюғи Қозғистоннинг Чимкентю уёғи Россиянинг Оренбурги бозорларига ҳам машҳур, ўз харидорига эга. Хуллас, таъмини билган борки, унга ишқибоз бўлаверади.

Президентимиз раислигида 7 июль кунини узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда энотуризмни

йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган мулоҳазаларни эшитиб, шулар ҳаёлимдан ўтди. Дарҳақиқат, узумчилик асрлар давомида халқимизнинг миллий деҳқончилик маданиятида ўз ўрнига эга бўлиб келган. Узумчиликнинг аҳамиятини боғбон қизи бўлганим учун яхши билман.

Мен вояга етган Пискентда ёз кунлари тоқзор маҳаллаларга кириб боришингиз билан кўчанинг икки четидаги узумзорларга қараб, кўзингиз қувнайди, боғларда узум қўриган болаларнинг овози қулоғингизга ёқимли эшитилади. Ҳозир ҳам Пискентда чиллаки фарқ пилган. Аҳоли тоқзорларида 200 гектардан ортиқ майдонда узум етиштирилади. Сархил мевалар хонадонлар эҳтиёжини тўла қондириш баробарида бозор расталарини ҳам тўлдирмоқда.

Йиғилишида таъкидланганидек, жаҳон бозорини узум савдоси мевалар орасида учинчи ўринда экани, Ўзбекистон узумларига талаб ва эҳтиёж юқорилиги асрлар оша шаклланган боғбонлик қадриятимизни катта ва ҳалол даромад манбаига айлантириш имкониятини яратди. Давлатимиз раҳбари: "Хўраки узум бўйича экспорт салоҳиятимиз камиди 600 миллион доллар (бу йил 200 миллион доллар), майиз — 500 миллион доллар (бу йил 130 миллион доллар) ва табиий вино 100 миллион долларга (бу йил 50 миллион доллар) тенг. Бу биз учун жуда катта имконият, бундан унумли фойдаланишимиз керак", деб бежиз таъкидламади.



Пискентда ҳам ислохотлар ижроси бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. "Маҳаллабай" ўрганишлар чоғида аҳолининг аксарияти деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиши эътиборга олинди, "драйвер" соҳалари аниқланди.

Ҳатто шу пайтга қадар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай келган, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши мўлжалланган "Ғайрат" маҳалласида ҳам 40 гектар майдонда узумчилик хўжалиқлари ва иссиқхоналар барпо этилиб, узоқ муддат-

ли кредит асосида эҳтиёжманд фуқароларга ажратилиши белгиланди. Асосан ҳовли-жойларда яшаб, томорқадан фойдаланишга ўрганган аҳолининг эҳтиёжига ёрдамлашиш, тажриба ва кўникмаларидан фойдаланиш мақсадида йўлга қўйилаётган бу тажриба асосида ишлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, "Oskar Oy" МЧЖ томонидан 100 гектар майдонда қиймати 8 миллиард сўмлик, "G'alaba Cluster" МЧЖ томонидан 70 гектар

майдонда қиймати 6 миллиард сўмга тенг боғдорчилик лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу лойиҳалар туманда узумчиликни ривожлантириш орқали фуқаролар бандлигини янада оширишга кенг йўл очди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, бугунги бозор талаби таҳлил қилинганида, узумчилик соҳасида жуда катта имкониятлар борлиги кўзга ташланади. Европада 800 миллион, Хитойда 600 миллион, Россияда 300 миллион, Ҳиндистонда 250 миллион долларлик экспорт бозори мавжуд. Шу вақтгача уста боғбонларимиз етиштирган машҳур ва сархил мевалар қайта ишланмаган, шундоқкина бозор расталаридан жой олган. Энди эса уларни қайта ишлаш, тайёр, экспортбоп товарлар сонини кўпайтириш, мамлакатимизни эса арзон ва сара мева-сабзавот таъминотчиси санати ривожланган давлат сифатида дунёга танитиш залворли вазифалар сирасига қиради. Энг муҳими, бу соҳа учун манзилли молиявий кўмак кўрсатилади. Хусусан, узумзорлар ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурслар ажратилади. Тоқзорлар барпо этиш ва эскиларини янгилашни рағбатлантириш мақсадида сертификатланган янги узум плантацияларининг ҳар бир гектарига 10 миллион сўмдан субсидия берилади.

Кўриб турибдики, соҳанинг истиқболи порлоқ. Бу истиқболни бунёд этиш учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳам кенг. Шундай экан, энди унга етишиш учун янада кўпроқ излашни ва меҳнат қилиш талаб этилади.

## ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

# ОБОД МАҲАЛЛАЛАРДА ЖЎШҚИН ҲАЁТ НАФАСИ

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Фуқароларни ҳаётдан рози қилиш, яшаш шароити ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга хизмат қиладиган ушбу ташаббус халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди ва кўллаб-қувватланди. Натيجида ўтган асрнинг 60-70 йилларида барпо этилган барак-уйлар, абгор ҳолатдаги қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий кўринишга эга бўлмоқда.

Буни "Обод маҳалла" дастурига киритилган Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги "Науқан бағ" ва "Ақ жағис" маҳалла фуқаролар йиғинлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Маҳаллалардаги жами 6 та ижтимоий соҳа объектини қуриш ва таъмирлашга 14 миллиондан 702 миллион сўм ажратилиши режалаштирилган. Ҳозирда барча объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, амалий ишлар бошлаб юборилди.

— "Науқан бағ" маҳалласидаги 39-умумтаълим мактаби 2008 йилда қурилган бўлиб, 330 нафар ўқувчига мўлжалланган. Айни вақтда 916 нафар бола таълим олаётган мактабда амалиёт ва лаборатория хоналари, устахона, мажлислар зали йўқ эди. Бинодаги камчиликлар ўрганилиб, давлат дастури асосида умумий қиймати 2 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди, мактаб қошида қўшимча икки қаватли иморат қуриладиган бўлди, — дейди маҳалла раиси Бахтияр Елмуратов. — Ушбу ҳудудга тиббий хизмат кўрсатадиган 4-оилавий поликлиника бу маҳалладан 5 километр узоқда жойлашган. Одамлар шунча йўл босиб тиббиёт масканига боришга мажбур. Ҳудуддаги аҳолининг бу борадаги муножаатлари инобатга оlinиб, дастур асосида маҳалламизда 4-оилавий поликлиниканинг филиали очилмайдиган бўлди.

Шунингдек, дастур доирасида "Ақ жағис" маҳалласидаги 2,4 километр ички йўлларга қум-шағал ётқизирилиб, 6,2 километр электр тармоқларини таъмирлаш режалаштирилган. Қолаверса, ирригация

ва мелиорация тармоқлари, алоқа ахборотлаштириш тизимини янгилаш, пиедалар йўлакларини ободонлаштириш, тунги кўча ёритиш тизимини яхшилаш ҳам белгиланган.

Бундан ташқари, дастурлар асосида Беруний туманидаги Беруний ҳамда Абай овул фуқаролар йиғинларида 16 миллиард 292 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари жадал олиб бориляпти.

Хусусан, мазкур маҳаллаларда 9, 10 километр узунликдаги йўллар таъмирланиб, олинган чанг-тўзон кўчаларга қум-шағал аралашмаси ётқизирилиб, текисланмоқда. Аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Абай овулида лойиҳа қиймати 416 миллион сўмдан иборат 2,2 километрик ичимлик сув тармоғи қуриляпти. Овулда 1,8 километр электр тармоғини янгидан тортиш, 1 та трансформатор ва 27 та таънақ устуни ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш бўйича 6 миллиард 917 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Жумладан, Абай овулидаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти бинолари янгича қиёфага келтирилади.

Айтиш жоизки, овулдаги мактабгача таълим ташкилоти 1986 йилда қурилган бўлиб, 90 ўринга мўлжалланган. Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, бирор марта ҳам таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган. Энди ушбу боғча давлат дастурига киритилиб, янги қиёфа касб этадиган бўлди. Авария ҳолатидаги эски бино бугунги кун талабига жавоб берадиган замонавий таълим ташкилотига айлантирилади. Қамрови кенгайтирилиб, 150 нафар болани ўз бағрига қабул қилади.

— 2009 йилда фойдаланишга топширилган 24-умумтаълим мактаби аслида 140 ўринга мўлжалланган. Ҳозирги кунда мактабда 210 ўқувчига 40 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда, — дейди мазкур мактаб директори Айсана Ботирова. — Ҳудудда аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бориши мактабга қўшимча бино қуриш эҳтиёжини юзага келтирди. Таълим масканимизда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароит, аниқроқ қилиб айтганда, спорт зали йўқ эди. "Обод қишлоқ" давлат дастурига киритилиши билан 96 ўринли янги бино ва спорт зал қурилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, бунёдкорлик ишларига йўналтирилган, олижаноб мақсадларни кўзлаган дастурлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## ПАРРАНДАЧИЛИК

# ГЎШТИНИ БИР КУН, ТУХУМИНИ МИНГ КУН ЕЙСАН...

**Расулжон КАМОЛОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Фарғонада жорий йилнинг ўзида паррандачилик йўналишида 25 та лойиҳа ишга туширилади. Шу кунга қадар 10 та янги лойиҳа доирасида 42 минг бош насли товуқ олиб келинди, эллика яқин иш ўрни яратилди.**

Бешариқ туманининг "Янгиҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Бешариқ парранда" МЧЖ га Венгриядан "Росс-308" зотли наслдор хўроқ ва макиён жўжалар олиб келинди. Айни кунда бу ерда 66 минг бош бройлер парранда парвариланмоқда. МЧЖ да йилга 1 200 тонна парранда гўшти етиштирилади. Тармоқ озуқа базасини ривожлантириш учун унга 649 гектар ер майдони ажратиб берилган.

Президентимизнинг жорий йил 14 июндаги "Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида"ги қарори туҳум ва гўшт етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишда катта аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, омихта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш, қушхона ва музлаткичларни ўз ичига олган замонавий комплексни ишга туширган тадбиркорлик субъектларига лойиҳа қийматининг 10 фоизини субсидия тариқасида бериш тартиби, 1 ноябрга қадар импорт қилинаётган озуқа компонентлари, асбоб-ускуна ва жиҳозлар божхона тўловларидан озод этилгани бу йўналишда самарали иш олиб бориш имкониятини бермоқда.

Вилоятда туҳум етиштириш, парранда озуқаси ишлаб чиқариш, лаборатория ва инкубаторийлар ташкил этиш, товуқ боқиш, сўйиш, бўлақларга ажратиш цехлари, қадоклаш ва экспортга бўлган жараёнларни умумлаштирган янги лойиҳа ва ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу мақсадда паррандачилик ривожланган Венгрия, Нидерландия, Россия, Германия, Беларусь сингари давлатларнинг йирик компаниялари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.


— Парранданинг гўштини бир кун, туҳумини минг кун ейсан, деган гап бекорга айтилмаган. Айни кунда вилоятда бу йўналишда 109 та хўжалик фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жорий йилда 555,7 миллион донна туҳум, 27,6 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш режалаштирилган, — дейди Фарғона вилояти ҳудудий "Чорва насл" маркази директори ўринбосари Мирзохид Мамадқаримов. — Ушбу хўжаликларга озуқа экинлари етиштириш учун 1 595 гектар ер майдони ажратиб берилди. Паррандачилик озуқаси учун зарур бўлган соя шротини маҳаллий шароитда етиштириш мақсадида 25 минг гектар гўза қатор орасига соя, 4 минг гектарга кунгабоқар экилди.

— Авваллари парранда озуқаси импорт қилинган бўлса, эндиликда ўзимизда етиштириш имкониятига эга бўлдик, — дейди Бешариқ туманидаги "Водий насли парранда" МЧЖ раҳбари Бохижон Турдалиев. — Тармоқ фаолияти учун муҳим бўлган озуқа базасини яратиш мақсадида 524 гектар ер майдони ажратиб берилди. Бу юқори қувватли ва тўйимли озуқа етиштириш ҳажмини кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Шу мақсадда бугдой ва маккадан ташқари соя, тарих экиш бўйича тажрибачиларни амалиётга жорий этялдим. Янги техника воситалари харид қилдик, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратялдим. Аҳолига, қорхона ва ташкилотларга буюртма асосида жўжа етиштириб бериш ва товуқ гўнани қайта ишлаш орқали қишлоқ хўжалиги учун маҳаллий ўғитлар тайёрлаш йўналишида ҳам иш олиб бораёلمиз.

Қорхонада жўжа ва парранда боқиладиган, туҳум жойлаштириш учун картон қутилар тайёрлайдиган цехлар фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда ҳар ойда 3 миллион донна туҳум олинади. Соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган янги лойиҳалар маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш имкониятини берапти. Ҳозир 100 минг бош жўжа очирини мўлжалланган инкубация ва замонавий товуқ сўйиш цехи қурилиши бошланган. Бундан ташқари, маркировка жиҳозлари олиб келинди.

Сирасини айтганда, соҳадаги ислохотлар аҳоли дастурхонидан тўйимли ва фойдали элементларга бой, парҳез маҳсулот турларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.





Ёшларга қаратаётган эътиборимиз натижалар бераётганини кўриб, хурсанд бўлдим. Бугун ҳеч бир соҳа йўқки, ёшлар муваффақиятга эришмаётган бўлса. Ёшларнинг йўлини очиб берсак, уларга елкадош бўлсак, янада улкан натижаларга эришамиз. Менинг энг катта ишонган кучим, давлатимизнинг энг катта бойлиги — бу ёшлар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДИЛ СЎЗИ

# БУГУНГИ ҲАРАКАТИ БИЛАН КЕЛАЖАГИГА АСОС СОЛАЁТГАН ЁШЛАР

## Юксак давлат мукофоти уларни янги марралар сари илҳомлантирмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 29 нафар ёш мазкур давлат мукофоти билан тақдирланди. Мукофотланганларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилди. Тақдирланганлар орасида халқ таълими тизими мактабларининг уч нафар ўқувчиси ҳам бор. Биз ана шу ёшларнинг дил сўзлари билан қизиқдик.

### Ҳам таълим, ҳам спорт соҳасида юксак натижаларга эришиш ниятидаман

масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик сабаб 2019 йилда Бирлашган Араб Амирликларида бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ушунда бир хурсанд бўлган бўлсам, камтарона меҳнатларим учун яқинда Президентимиз томонидан “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганимни эшитиб, бошим кўкка етди.

Эришмаётган ютуқларим замирида Ватанимизда ёш авлод вакилларига яратилаётган шарт-шароитлар мужассам. Бугун биз, ёшларга барча йўналишда имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Мен ҳам кўплаб тендошларим қатори бу имконият ва шароитлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Ҳали жуда ёш бўлишимга қарамай, Президентимиз мени шундай юксак мукофотга лойиқ кўргани зиммага катта масъулият юклайди. Чунки халқимиз биз-

дан келажакда катта натижалар кутаяпти. Дунё ёшлари билан бемалол рақобатга кириша оладиган, билим борасида улардан ҳеч ҳам қолишмайдиган кадрлар бўлиб етишимизни истаяпти. Биздан эса ўқиш, излаш, ўз устимизда тинмай ишлаш талаб этилади, холос.

Давлат мукофоти билан тақдирланганим мени янада юксак марралар сари илҳомлантирмоқда. Мақсадим — билдирилган ишонччи оқлаб, ҳам таълим, ҳам спорт соҳасида юксак натижаларга эришиш. Бу йил Навоий давлат кичлик институтига ўқишга топширмоқчиман. Мазкур йўналишда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлишни ҳам олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бунинг учун ўз устимда тинимсиз ишлайман, насиб бўлса, менга билдирилаётган ишонччи оқлайман.



Логин ПЕТРОВ,  
Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Юртимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб улғайтириш

### Тўққизинчи синф ўқувчисининг шукронаси

Анварбек РАҲМАТОВ,  
Қорақўл туманидаги халқаро математика мактабининг 9-синф ўқувчиси

Биз том маънода янги Ўзбекистоннинг бахтли фарзандларимиз. Ўз ёшларини бизнинг мамлакатчилик қадрлайдиган, эъзозлайдиган, ўқиш ва излашларини рағбатлантирадиган давлат кам бўлса керак. Президентимизнинг шахсан ўзи юксак мукофот билан тақдирлагани мен учун катта бахт. Уша пайтда кўнглимдан кечган туйғуларни, хурсандчилигини, ҳис-ҳаяжонни сўз билан ифодалаб беролмаيمان. Ҳали мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси бўлсам-да, кўрсатилган эътибор ва рағбатдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига берилаётган эътибор натижасида математика фани бўйича ўтказилган

республика ва халқаро фан олимпиадаларида соғиринли ўринларни кўлга киритдим. Жумладан, Жанубий Африка Республикасида ўтказилган халқаро фан олимпиадасида олтин ва бронза, Озарбайжонда бўлиб ўтган фан олимпиадасида кумуш, Халқаро Жаутиков фан олимпиадасида эса, бронза медалга сазовор бўлдим. Жорий йилда Қўқон шаҳрида ўтказилган республика фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, Nexia-3 автомобили билан тақдирландим.

Ана шу камтарона меҳнатларим эвазига мени юксак мукофотга лойиқ кўргани учун давлатимиз раҳбаридан бир умр миннатдорман. Бундай ютуқларга сазовор бўлишимда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган ота-онам ва устозларимга ҳам катта раҳмат. Келажакда Ватанимиз раванқида муносиб ҳисса қўшишга ваъда бераман.



Абдурахмон АБДУЛЛАЕВ,  
Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Тўққиз ёшимдан бери от спорти билан шуғулланиб келаман. Сўнги икки йилда Россия, Испания, Германия, Бельгия, Нидерландия, Польша, Латвияда халқаро мусобақаларда иштирок этдим. Яқинда Германияда от спорти бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган

### Мақсадим — Олимпиаданинг олтин медалини юртимизга олиб келиш

мусобақада 22 давлат вакиллари орасида биринчи ўринни кўлга киритдим. Бу менга Польшада нуфузли спорт мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Мазкур давлатдаги мусобақада ҳам олтин, ҳам кумуш медалга сазовор бўлдим.

Бундай ютуқлар замирида Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги мужассам. Бугун ана шундай эътибор ва яратилаётган шароитлар тўғрисида ёш авлод вакиллари спортнинг турли йўналишлари бўйича ғолиб ва соғириндорлар сифидан жой олмоқда, давлатимиз байроғини юқорига кўтаришдек бахтга муяссар бўляпти.

Мамлакатимизда бошқа спорт турлари каби от спортига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мен ҳам ёш спортчи сифатида ўз устимда ишлаб, маҳоратимни ошириб, устозларимнинг машғулотларда берадиган ўғитлари, кўрсатмаларини турли халқаро мусобақаларда татбиқ этиб, муайян ютуқларга эришиб келяман.

ота-онам, устоз-мураббийларим учун берилган мукофот, деб ўйлайман. Чунки уларнинг меҳнатига мен бундай ютуқларга эришмаган бўлардим.

Кунга кеча Президентимиз Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда “Биз сизларнинг ақл-заковатингиз, куч-гайратингиз, келажакка ишончингиз, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатингизга таяниб, маррани ниҳоятда баланд олдик. Ушбу вазифаларни барчамиз биргаликда муваффақият билан амалга оширишимизга ишончим комил”, деб биз, ёшларга катта ишонч билдирди. Давлатимиз раҳбарининг бу гаплари ҳали-ҳамон қўлғим остида жарағлаб, мени юксак мақсадлар сари чорламоқда.

Мақсадим — Олимпиадада қатнашиб, юртимизга олтин медал олиб келиш. Бунинг учун барча куч ва имкониятимни сафарбар этаман. Бизга билдирилаётган ишонччи, албатта, оқлайман.

“Янги Ўзбекистон” мухбири  
Шаҳзод ҒАФФОРОВ эзиб олди

ТАҲЛИЛ



Усмонали НОРМАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун юртимизда янги ўқув даргоҳлари сони тобора кўпаймоқда. Бунинг исботини Сурхондарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнги уч йилда вилоятда 5 та олий таълим муассасаси очилди. Ҳозирги кунда Термиз давлат университети, Тошкент давлат аграр университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиаллари, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти йигит-қизларни бағрига чорлаб, уларга замонавий билимлар бермоқда.

Маълумотларга кўра, Сурхондарёда ўша пайтда ягона ОТМ бўлган Термиз давлат университетида 2016-2017 ўқув йилида 6486 нафар йигит-қиз тахсил олган бўлса, 2020-2021 ўқув йилига келиб қабул квоталари кўпайтирилгани ва олий таълим муассасалари филиаллари очилгани боис, вилоятдаги талабалар сони 25628 нафарга етди.

2016 йилгача вилоятда фақат педагог кадрлар тайёрланган бўлса, бугун янги очилган таълим даргоҳларида ёшлар барча соҳалар бўйича мутахассисликларга ўқияпти. Масалан, вилоятдаги энг оғирлик муаммолардан бири шифохоналар ва қишлоқ врачлик пунктларида малакали тиббиёт ходимлари етишмаслигидир. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотга қараганда, шу кеча-кундузда жойлардаги шифохоналарга жами 3612 нафар, жумладан, қишлоқ врачлик пунктларига 733 нафар врач етишмади. Шубҳасиз, бу масала ҳам секин-аста ўз ечимини топади. Чунки Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали 2018-2019 ўқув йилидан фаолиятини бошлади ҳамда ҳозир бу даргоҳда 1882 нафар ўғил-қиз тахсил олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Сурхондарёда янги олий ўқув юртинини ташкил қилиниши, аввало, ота-оналарнинг кўнгилни кўтарди, азалий орзуларини ушалтирди. Негаки, янгинача воҳода биргина педагогика олий таълим муассасаси борлиги учун ёшларнинг асарият қисми бошқа вилоятлардаги ОТМларга бориб ўқишга мажбур бўлар, унинг ўзига хос қийинчиликлари бор эди. Дейлик, Тошкентдаги олий даргоҳ талабаси бўлган фарзандига ижарада туриб ўқиш, қийим-кечак, овқатланиш, йўлига харажатлари, боз устига, контракт тўловига маблағ ажратишга ҳамма ота-оналарнинг ҳам қурби етмасди. Шу боис, қишлоқлардаги энг иқтидорли ўғил-қизларнинг кўпчилиги марказий шаҳарлардаги олий ўқув юртиларига бормай, бошқа касблар этагини тўтишга мажбур бўларди.

— 1986-1992 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги (ҳозирги ТошДАУ) институтининг агрономия факультетида тахсил олганман, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Нурали Абдурахимов. — Бойсундан Тошкентга бориш учун поездда 18 соат йўл босардик. Йўловчи кўпчилигидан баъзида поездга чипта бўлмас, оқибатда вагоннинг юк қўйиладиган учинчи айвонига чиқиб минг бир азобда қайтардик. Тошкент билан Сурхондарё ораси олислигини ҳисобга олиб, баъзида тўрт-беш ойлаб уйга келмасдик. Шундай ҳолатларни ўйлаган қишлоқлардаги асарият оилалар фарзандлари, айниқса, қизларга олис шаҳарларга бориб ўқишга руҳсат бермасди. Сурхондарёда Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали ташкил қилингани воҳа ёшлари учун ҳар томонлама қўлайлик яратди. Биз ўқиган кезларда Қишлоқ хўжалиги институтида

мутахассислик фанлари республика шароитидан келиб чиққан ҳолда умумий тарзда ўқитиларди. Воҳамиз географик жойлашуви, ўзига хос табиати ва ўсимлик дунёси билан бошқа вилоятлардан кескин фарқ қилади. Бу эса ушбу соҳа мутахассисларидан воҳа иқлими ва шароитига мос ўсимлик дунёси бўйича чуқур билим олиш ҳамда тажрибага эга бўлишни талаб этади. Бугун аграр университети филиалида 2191 нафар талабага 17 йўналиш бўйича билим берилаяпти. Тузилган шартномага асосан, талабаларимиз Германия ва бошқа хорижий давлатларнинг аграр секторига амалиёт утамоқда.

Дарҳақиқат, Сурхондарёда олий таълим муассасалари очилгани ота-оналарга ҳам, талабаларга ҳам ҳар жиҳатдан энгиллик ва қўлайлик туғдирмоқда.

— Қишлоқларда иқтидорли қизлар жуда кўп. Аммо уларни Тошкент, Самарқанд каби шаҳарлардаги университет ва институтларида ўқитиш учун ота-оналарнинг қурби етмасди. Шу сабаб кўпчилигининг олий маълумотли бўлиш орзуси ушалмай қолган. Деновда тадбиркорлик ва педагогика институтининг ташкил этилгани мен каби юзлаб қизларнинг бахти, — дейди Денов туманидаги “Буюк келажак” маҳалласида ашво-чи Хилола Сафарова. — Ҳозир институтида бошланғич таълим йўналиши бўйича тахсил оляман. Институт уйимизга бир қадам. Ижарага жой излаш, овқатланиш ҳақида қайғурмайман.

— Ҳар бир ота-она фарзандларини ўқитишни жуда-жуда хоҳлайди, — дейди вилоят Статистика бошқармаси ходими Гулмуҳаммад Холмуҳаммадов. — Қизларим улғайган сайин уларни қандай қилиб олис шаҳарларда ўқитаман”, деган ўй сира тинчлик бермасди. Ҳозир 2 қизим Термиздаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқияпти. Шундай имконият бўлмаганда қизларимни контракт асосида Тошкент ёки Самарқандда ўқитишга қурбим етмасди. Чунки бошқа харажатлар ҳам оз эмас. Олис вилоятларда олий ўқув юртилари ташкил этилишини Президентимиз, ҳукуватимиз томонидан ёшларнинг билим олиши учун қилинган чексиз ғамхўрлик, деб биламан.

— Отам Ангор туманидаги 26-умумтаълим мактабида расм-чизмачилик, онам эса бошланғич таълим фанларидан ёшларга сабоқ беради. Ҳар иккиси ҳам шу тумандаги собиқ педагогика билим юртини битирган. Аммо оилавий шароит тўғрисида олий таълим олмаган, — дейди Умида Наримонова. — Гарчанд ўн-ун беш йиллик педагогик тажрибага эга бўлсалар-да, ҳар ўқув йили бошланганда иккаласида ҳам “билим юртини битирганларга дарс берилмас экан”, деган хавотир бўлади. Шунда отам-онам олий ўқув юртида ўқимагани учун армон қилишади. Эҳтимол Сурхондарёда Термиз давлат университетидан бошқа олий даргоҳлар очилмаганида мен ҳам ўқишга киролмаган бўлардим. Ҳозир эса Низомий номидаги Тошкент давлат университетининг Термиз филиалида давлат гранти асосида тахсил оляман. Бу ҳам биз ёшларнинг омадимиз, дея фахрланаман. Муҳими, ота-онамиз бағридамыз.

— Деновнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу жойда азалдан илм-маърифат тарққий этганига гувоҳ бўламиз. Бундан 400-500 йиллар илгари ҳам Деновда иккита мадраса фаолият кўрсатган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тошметир Турдиев. — Масалан, 64 та хужрадан иборат Саид оталик мадрасасида ўша замоннинг ёшларига риёзат, кимё, математика, география, табиатушнослик, физик, фалакиётшунослик ўқитилган. Бугунги кунда Деновда тадбиркорлик ва педагогика институти ташкил қилингани Узун, Сароисиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Кумқўрғон туманлари ёшлари учун катта имкониятлар эшигини очди. Бу институт, шубҳасиз, яқин туманлардаги мактабларда билимдон ўқитувчилар тақчиллиги муаммосини ҳал этиш баробарида янги тадбиркорлар авлодини камол топтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шу кунларда етук мутахассис бўлишга талабгор ва илмга чанқоқ сурхондарёлик ўғил-қизлар олий таълим муассасаларига ҳужжат топширмоқда. Бу дегани, энди вилоятда етук ва билимдон кадрлар етишмовчилиги бўлмайдми.



## ЗОМИН СЕМИНАРИ ТААССУРОТИ

# ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИ УЙҒОҚ ҚАЛЪЛАР ЯРАТАДИ

## Республика ёш ижодкорлари Зомин семинари иштирокчиларининг Ўзбекистон ёшларига МУРОЖААТИ

Хурматли ёшлар, азиз тенгдошлар!  
Зомин туманининг гўзал ва сўлим масканидаги "Ўрикисой" оромгоҳида ёш ижодкорларнинг навбатдаги семинари жуда сермазмун ва эсда қоларли тарзда ўтди.

Бу галли анжуман яқиндаги юртимизда катта шодоналар билан нишонланган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумининг шукухи кезиб юрган бир пайтга тўғри келгани унга алоҳида мазмун ва руҳ бағишлади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ана шу байрамда сўзлаган маърузасида Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида энг аввало катта орзу-умидлар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз — асосий таянчимиз ва суюнчимиздир, деб бизларга катта ишонч билдирганлари барчамизнинг кўнгилмишни тоғдек юксалтирди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистонимиз навқирон авлод вакиллари ўртасида китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришга бундан кейин ҳам доимий эътибор қаратилишини алоҳида таъкидладилар.

Биз бу эзгу ташаббуснинг аҳамиятини жуда яхши англаймиз. Кейинги вақтларда Зомин семинари иштирокчилари орасида ҳам китобхонлик танловларида муваффақиятли иштирок этган, ижод мактабларида ўқитган ёшлар тобора кўпайиб бормоқда.

Бинобарин, китоб ўқиган авлоднинг тафаккури кенг, салоҳияти баланд бўлади. Адабиётга кўнгил қўйган ёшларда ҳаётда муносиб ўрнини топиш учун иштиқ кучли бўлади.

1997 йили ўша вақтда Жиззах вилояти ҳокими бўлиб ишлаган муҳтарам Шавкат Миромоновичнинг ташаббуси билан асос солинган Зомин семинари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган кўплаб иқтидорли ёш қаламкашларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан уларнинг биринчи китоблари нашр этилиб, Адиблар хиёбонида, ижод мактаблари ва таълим масканларида тақдимотлари ўтказилмоқда.

Илк асарининг чоп этилиши ҳар қандай ижодкор учун унутилмас воқеа ҳисобланади. Ана шундай бахтга эришган ёшларнинг қалбида ўз истеъдоди ва салоҳиятига ишонч ортади. Биринчи китоб — қаламкаш учун катта ижод сари ўзига хос йўлнамидир.

Шу маънода, Зоминдаги адабиёт байрами ёш адиблар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Бугун қўлига қалам олган ҳар бир йигит-қиз унда иштирок этишни орзу қилади. Ана шу истак уларни тинимсиз изланиб, янги-янги асарлар яратишга ундайди. Ҳар йили семинарнинг ҳудудий танловларида минглаб йигит-қизлар иштирок этаётгани шундан далолатдир.

"Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"га бағишлаб ташкил қилинган семинарда республикамизнинг турли чеккаларидан 80 нафарга яқин ёш ижодкорлар қатнашди. Биз ўзимизнинг кўлэмларимизни муҳтарам устозлар назаридан ўтказиб, уларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлдик.

Бу галли семинаримизда музика, рассомлик, ҳайкалтарошлик ва кино санъати соҳаларида фаол ижод қилган бир гуруҳ тенгдошларимиз ҳам иштирок этишди.

Биз улар билан яқиндан танишиб, келгусида ҳамкорликда ижод қилиш тўғрисида келишиб олдик.

Она табиат бағрида кечган самимий мулоқот ва мушоиралар барчамизга чексиз завқ ва шуқуҳ бағишлади. Тўрт кун давомида Зоминнинг пуर्वкор тоғлари узра адабиёт руҳи кезиб юрди. Гуё Ўрикисойнинг мусоффо суви ҳам минг йиллик дoston ва уланларимиз оҳангини ёдга солиб, шеър бўлиб оққандек бўлди.

Энг асосийси, семинар ижод оламига дадиллик билан кириб келаётган янги истеъдодларни кашф этиб берди. Улар тинимсиз ўқиб-ўрганиш, иқтидорини тарбиялаш орқали келажакда катта ижодкорлар бўлиб етишишига ишонамиз.

Қадри тенгдошлар!

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз, жонажон Ватанимиз, Президентимиз бизнинг ақл-заковатимиз, куч-ғайратимиз, ватанпарварлигимизга таяниб, маррани ниҳоятда баланд олмақда, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида бизни ўзларининг асосий таянчи ва суюнчи деб билмоқда.

Шундай экан, барчамиз бундай юксак ишончнинг масъулиятини чуқур англаб, жонажон Ватанимиз раънақи йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилайлик.

Биз дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган улғуллома ва мутафаккирларимизга муносиб ворис бўлиб, улар каби юксак мақсадларга интилиб яшашимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга қарата тақдор ва тақдор айтганидан "**Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайди, сувда бўйлик эканини асло унутманг!**" деган эзгу даъватига ҳар биримизнинг доимий шиоримизга айланиши зарур.

Шу йўлда ўзимизнинг билим ва салоҳиятимизни ошириш учун тинимсиз ўқиб-изланишимиз, ҳаётдаги ҳар қандай қийинчилик ва синовларларни қатъият билан енгиб ўтиб, ҳаммиса олға интилиб яшашимиз шарт.

Дунёда ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда бизлар зийрак ва ҳушёр бўлиб, оқни қорадан ажратишни ўрганишимиз, ўзлгимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Юртимиздаги тинчлик ва оқилолликни асраб-авайлаб, ҳар қандай масалада, аввало, халқимиз манфаатларини ўйлаб иш тутайлик.

Кўз қорачигимиздек азиз ва мўътабар бўлган жонажон Ватанимизда **янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни яратишга барчамиз муносиб ҳисса қўшайлик!** Улғу шиоримиз Фафур Фулом айтганидек:

**Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла,  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.**

Бундай шарафли йўлда барчангизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Зомин тумани,  
"Ўрикисой" оромгоҳи**

2021 йил 8 июль

## Ёшларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди



**Зоҳиджон ОЛОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

Бошланиш 1-бетда

Не бахтки, йиллар ўтиб, бугун Тошкент вилоятида камолга етаётган бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг қўлидан тутиб, қадрон Зомин семинарига етаклаш бахти насиб қилди. Улар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган тенгдошлари билан тезда дўстлашиб кетди. Айниқса, ҳозирда ўз ижоди ва фаоллиги билан ўзбек адабиётининг энг олд қаторларида бораётган устозларнинг гурунглари, мушоаралар, баҳру байтлар Зомин теграсига чинакам маърифат, маънавият ҳавосини олиб келгани рост.

Келинг, шу ўринда икки оғиз юртимизда адабиёт ривожига, шунингдек, маънавият элчиси, жарчиси бўлган китобхонликни ривожлантиришга берилган эътибор хусусида тўхталсак.

Талабалик йилларимдан биламанки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига, демакки, ёзувчи-шоирларимизга бугунги-чаллик эътибор ва кўллаб-қувватлов, хайрихоҳлик бўлмаган, деб бемалол айтиш мумкин. Бунга ёрқин далил — Ёзувчилар уюшмасининг ўз биноси, қўналғиси йўқ эди, ёзувчи-шоирлар номлари бот-бот зикр этиладиган улкан бир ташкилотнинг кўни ижара иншоотларда утарди.

Адабиётнинг том маънодаги конъюри бўлган, дарвоқе, айнан шу Зомин семинарининг ҳам бевосита асосини ва кўллаб-қувватловчиси бўлган, бир муддат тўхтаб қўйилган анжумани яна йўлга солиб юборган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахти азимнинг марказида Адиблар хиёбони деган чаманзор, ям-яшил бот бунёд этилди. Бундан ҳам қувонарлиси шуки, шу чаманзорнинг ичида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси учун замонавий ва миллий руҳ уйғунлаган азим бино, муболага эмаски, адабиёт саройи қуриб берилди! Мана шу кунларни орзиқи дугал ва етган устоз адибларимиз ўз бил изхорларида бу воқеаларни "Ўзбек адабиётининг қайтадан туғилган кўни", дея ҳақли тарзда эътироф этди.

Энди бу воқеаларга ўнлаб, юзлаб хушхабарлар уланди. Хусусан, вилоят-

ларимизда буюк адибларимиз номларини абадийлаштириш учун этилган ижод мактаблари, китобсеварларни рағбатлантириш учун жорий этилган танловлар ва уларда зафар қучган ёшларимиз учун автомобиллар совға қилинаётгани миллионнинг эртасига эътиборнинг бир намунаси, албатта.

Давлатимиз раҳбари қаерда бўлмасин, қайси мавзуда сўзламасин, ёшлар шайнига илиқ фикрлар айтади, улар янги Ўзбекистонимизнинг чин маънодаги таянчи ва суюнчи эканига ургуберади. Агар садоқати ва фидойилиги бўлса, катта лавозимларга тайинлаб, ишни ўзим ўргатаман, деганиёқ аслида бугунги даврнинг руҳини, тийнатиши акс эттириб турибди. Ёшларимизга эътибор бугун амалда, кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Биргина "Ёшлар дафтари" деган сўз бирикмаси замирида йиллар давомида битмай келаётган ишлар амалга ошарди, ёшларимиз ўзига ёққан касбу кор билан таъминланиб, пировардида ҳаётга, яшаш ва яратишга бўлган завқи ошмоқда.

инжа манзаралар ҳар қандай кўнгилни шоирга айлантиради, илҳом билан сийлайди.

Ёшларимизнинг орасида дадиллари ҳам, қаламкашлик ҳавасмандлик мақомида турганлари ҳам бор. Аммо устозлар таъкидлаганидек, улар бир-бирини такорламайди! Ҳар бирининг камтарона бўлса-да, ўз овози, ўз сўзи бор. Бу сафарги семинарнинг бошқаларидан фарқи яққол сезилди. Бунинг янги Ўзбекистоннинг нафаси, одимиға менгаш мумкин. Зеро, салкам юз чогли ёш қаламкашнинг келажига, заррадек истеъдодига бу қадар юксак эътибор ва гамхўрлик билан шариоит яратилаётгани, имконият эшикларини очилаётгани оддий ҳодиса эмас.

Президентимизнинг "**Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бугун инсоният безавол яшайди**", дея лудф этганининг замирида улкан ҳикмат, ҳақиқат мужассам. Бинобарин, бу йилги Зомин анжуманида мана шу жиҳатлар — адабиёт, санъат ва маданият бирлашиди, шоиру ёзувчилар, драматурглар, таржи-



Зоминда кечган тўрт кунлик семинарда устозлар мана шу масалаларни ҳам тилга олди, ёшларимиз билан бир қур муҳокама қилди. Ёшлар ёзилажак асарларида бугунги куннинг манзараларини ўзига хос тарзда ифода этиши борасида тақлифлар, маслаҳатлар берилди.

Яна бир жиҳати шуки, яқинда ҳар бир иштирокчиға эсдаликлар қатори, қиматбаҳо совғалар ҳам улашилди. Зеро, уларнинг адабиётга бўлган ҳурмати, интилиши, бир мисра қоралагани ёки улғу шоирлардан тўрт қатор ёд олганининг мукофоти, рағвати. Аслида семинарнинг мақсади ҳам шу — ёшларимизда адабиётга бўлган ҳавасни ривожлантириш, аланга олдириш!

Чунончи, ёшлар билан боғлиқ улкан семинарнинг айнан Зомин тоғлари бағрида ўтказилиши бежиз эмас! Бу азим ва пуर्वкор тоғлар салобати, фазиси, хусуси таровати, ям-яшил ва тик қадли арчалардан либос қийган чўққилар, шилдираб оқиб, гўё ҳаёт ҳикматида, шиддатидан сабоқ беришга интилаётган сойлар, биллур жилгалар... эҳ-ҳей, хуллас, Зомин тоғларининг томиларидан бунёд бўлган

монлар ўзаро суҳбат, баҳсу муҳокама-лардан тортиб, ёш рассомлар, киночилар ва бастакорлар билан ҳам фикр алмашди, уларнинг бугунги кундаги ўй-хаёллари, фикри, гоёлари билан танишди.

Ҳа, Зомин тоғлари бағрида кўз очган истеъдод булоқлари адабиётимиз уммони томон дадил одимламоқда. Уларнинг шиддати борган сари ортади, ниятлар, мақсадлар қатъийлашади. Мухими, улар минглаб, миллионлаб тенгдошлари қанда ҳамма устозларнинг пайдо қилади. Китобга, адабиётга, маърифатга ошно авлод қўлида миллат парвози баланд ва бардавмо, уларнинг бошини силаётган Ватан — жонажон Ўзбекистонимиз эса гуллаб-яшнаверди. Ҳолбуки, Учинчи Ренессансни қуришга, тамалтошини қўйишга шайланган юрт ёшлари буюк мақсадларга муносиб бўлади. Уларни бу буюк ва муҳташам мақсад йўлида бирлаштиришда, жипслаштиришда адабиётнинг, демакки, ижод аҳлининг роли бежиздир. Ана шу муаззам адабиёт меъморлари сафига бугун Зомин семинарида кашф этилган ёшлар ҳам бориб қўшилса, ажаб эмас.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2217.  
76851 нусxada босилди.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тилматов  
Мусаҳҳиш: Ойдин Алутдинова  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА жаҳони — 22:15 Тошхирлиди — 00:40